07:30 "Худда" информацион дастури
07:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
08:00 Муенца ваки
08:30 "Форму хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муенца ваки" дастури
09:00 "24 Ўзбекистон" аборот блаки
09:10 "Лангитанган қироллар" т/с (06-қисм)
09:50 "Бизнес промо"
10:00 "Спорт хабарлари" информацион блок
10:05 "Муҳаббат синохлари-2" б/ф
11:45 "Муенца ваки" дастури
12:00 "24 Ўзбекистон" аборот блаки
12:10 Кутулмаган томоша
12:20 "Хайт уюл" кўрсатуви
12:30 "Алоҳи" б/ф
14:30 "Ёшлар студияси; Келажак бизан юм ку" кўрсатуви
14:40 "Муенца ваки" дастури
15:00 "Худда" информацион дастури
15:20 Ҳужжатли фильм
16:00 "24 Ўзбекистон" аборот блаки
16:05 "Шерлок Холмс" т/с (02-қисм)
16:50 19:20 "Бизнес промо"

17:00 "Хазина" теле-шоу историкси
18:00 "Муҳаббат симфонияси" т/с (22-қисм)
18:30 "Болалар худуди"
18:45 "Мааласкарлик пингвинлар" м/ф
19:00 "Муенца ваки" дастури
19:30 23:45 "Жаҳон НТТ интоқда"
19:40 "Лангитанган қироллар" т/с (07-қисм)
20:30 "Худда" аборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
21:00 "25-кадр" кинокурсауви
21:40 "Спорт хабарлари" информацион блок
21:45 "Адалетин паройб саргушталари" б/ф
23:50 "Муенца ваки" дастури
00:00 Туғил кинозал: "Без дила" б/ф
02:00 Туғилки хайри бреси

Чоршанба

06:00 "24 Ўзбекистон" аборот блаки
06:15 "Асрлар салони" дастури
07:00 "Соғом таша - соғ ақд" дастури
07:10 Муенца ваки
07:30 "Худда" информацион дастури
07:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
08:00 Муенца ваки
08:30 "Форму хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муенца ваки" дастури
09:00 "24 Ўзбекистон" аборот блаки
09:10 "Лангитанган қироллар" т/с (07-қисм)
09:50 16:50 19:20 "Бизнес промо"
10:00 "Спорт хабарлари" информацион блок
10:05 "Ошиқлар" б/ф
11:45 "Муенца ваки" дастури
12:00 "24 Ўзбекистон" аборот блаки
12:10 Кутулмаган томоша
12:20 "Золотой фонд Узбекикой кинофети" б/ф
12:30 "Нитерью" кўрсатуви
14:30 "Ёшлар студияси; Келажак бизан юм ку" кўрсатуви
14:40 "Муенца ваки" дастури
15:00 "Худда" информацион дастури
15:20 Ҳужжатли фильм
15:30 "Муенца ваки" дастури
16:00 "24 Ўзбекистон" аборот блаки
16:05 "Шерлок Холмс" т/с (03-қисм)
17:00 "Хазина" теле-шоу историкси
18:00 "Муҳаббат симфонияси" т/с (23-қисм)
18:30 "Болалар худуди"
18:45 "Мааласкарлик пингвинлар" м/ф
19:00 "Муенца ваки" дастури
19:30 23:45 "Жаҳон НТТ интоқда"
19:40 "Лангитанган қироллар" т/с (08-қисм)
20:30 "Худда" аборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
21:00 "Тоғоний" кўрсатуви
21:40 "Спорт хабарлари" б/ф
21:45 "14 шимол" б/ф
23:50 "Муенца ваки" дастури
00:00 Туғил кинозал: "Воздушная тюрьма" б/ф
02:00 Туғилки хайри бреси

Пайшанба

06:00 "24 Ўзбекистон" аборот блаки
06:15 "Асрлар салони" дастури
07:00 "Соғом таша - соғ ақд" дастури
07:10 Муенца ваки
07:30 "Худда" информацион дастури
07:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
08:00 Муенца ваки

08:30 "Форму хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муенца ваки" дастури
09:00 "24 Ўзбекистон" аборот блаки
09:10 "Лангитанган қироллар" т/с (08-қисм)
09:50 16:50 19:20 "Бизнес промо"
10:00 "Спорт хабарлари" информацион блок
10:05 "Тунги" б/ф
11:45 "Муенца ваки" дастури
12:00 "24 Ўзбекистон" аборот блаки
12:10 Кутулмаган томоша
12:20 "Менинг мениман Ўзбекистон" кўрсатуви
12:30 "Кактус" б/ф
14:30 "Ёшлар студияси; Келажак бизан юм ку" кўрсатуви
14:40 "Муенца ваки" дастури
15:00 "Худда" информацион дастури
15:20 Ҳужжатли фильм
16:00 "24 Ўзбекистон" аборот блаки
16:05 "Шерлок Холмс" т/с (04-қисм)
17:00 "Хазина" теле-шоу историкси
18:00 "Муҳаббат симфонияси" т/с (24-қисм)
18:30 "Болалар худуди"
18:45 "Мааласкарлик пингвинлар" м/ф
19:00 "Муенца ваки" дастури
19:30 23:45 "Жаҳон НТТ интоқда"
19:40 "Лангитанган қироллар" т/с (09-қисм)
20:30 "Худда" аборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
21:00 "Бун қай дийдалар" дастури
21:40 "Спорт хабарлари" б/ф
21:45 "Фурс шикониси" б/ф
23:50 "Муенца ваки" дастури
00:00 Туғил кинозал: "Умилг ва 60 секунд" б/ф
02:00 Туғилки хайри бреси

Жума

06:00 "24 Ўзбекистон" аборот блаки
06:15 "Асрлар салони" дастури
07:00 "Соғом таша - соғ ақд" дастури
07:10 Муенца ваки
07:30 "Худда" информацион дастури
07:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
08:00 Муенца ваки
08:30 "Форму хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муенца ваки" дастури
09:00 "24 Ўзбекистон" аборот блаки
09:10 "Лангитанган қироллар" т/с (09-қисм)
09:50 "Бизнес промо"
10:00 "Спорт хабарлари" информацион блок
10:05 "Виджон" б/ф
11:45 "Муенца ваки" дастури
12:00 "24 Ўзбекистон" аборот блаки
12:10 Кутулмаган томоша
12:20 "Иной кинозал" кўрсатуви
12:30 "Кутулмаган" б/ф
14:30 "Ёшлар студияси; Келажак бизан юм ку" кўрсатуви
14:40 "Муенца ваки" дастури
15:00 "Худда" информацион дастури
15:20 Ҳужжатли фильм
16:00 "24 Ўзбекистон" аборот блаки
16:05 "Шерлок Холмс" т/с (05-қисм)
16:50 "Бизнес промо"
17:00 "Хазина" теле-шоу историкси
18:00 "Муҳаббат симфонияси" т/с (25-қисм)
18:30 "Болалар худуди"
18:45 "Мааласкарлик пингвинлар" м/ф
19:00 "Муенца ваки" дастури

19:20 "Бизнес промо"
19:30 "Жаҳон НТТ интоқда"
19:40 "Лангитанган қироллар" т/с (10-қисм)
20:30 "Худда" аборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
21:00 "Қўқор" кўрсатуви
21:40 "Спорт хабарлари" б/ф
21:45 "127 соат" б/ф
23:45 "Жаҳон НТТ интоқда"
23:50 "Муенца ваки" дастури
00:00 Туғил кинозал: "Орджанлий барон" б/ф
02:00 Туғилки хайри бреси

Шанба

06:00 "24 Ўзбекистон" аборот блаки
06:15 "Асрлар салони" дастури
07:00 "Соғом таша - соғ ақд" дастури
07:10 Муенца ваки
07:30 "Худда" информацион дастури
07:50 "Бизнес репорт" иктисодий-таҳлилий дастури
08:00 "Алоҳи ва Омега" т/с м/ф
08:30 "ComedyUZ" теле-шоу
10:05 "Фотина ва Зурра" б/ф
11:45 "Муенца ваки" дастури
12:00 "Дийлар ширин" мусикий-лам ошми дастури
13:15 "Муенца ваки" дастури
13:30 "Халик" б/ф
15:30 Кутулмаган томоша
15:40 "Муенца ваки" дастури
16:00 "Коллек" кўрсатуви
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" теле-шоу историкси
18:00 "Граф Монте Кристо" б/ф (1 қисм)
19:20 "Бизнес промо"
19:30 "Форму хабарлари" кўрсатуви
19:40 "Муенца ваки" дастури
20:00 "Парламент ошми" аборот-таҳлилий дастури
20:30 "Тат" кўчиқор кўрсатуви
21:30 "Мунбоб" б/ф (Хиндистон)
00:00 "Муенца ваки" дастури
00:15 Туғил кинозал: "Пророк" б/ф
02:00 Туғилки хайри бреси

Якшанба

06:00 "Асрлар салони" дастури
07:00 "Соғом таша - соғ ақд" дастури
07:30 Информацион блок
07:50 "Жаҳон НТТ интоқда" информацион блок
08:00 "Бун қай дийдалар" дастури
08:30 Болалар соти
08:30 "Тарзи Петтер -6" б/ф
11:20 "Супер келинлик" теле-шоу
12:00 "Тат" кўчиқор кўрсатуви
13:00 "Мен берманку" б/ф (Хиндистон)
16:00 "Муенца ваки" дастури
16:15 "25 кадр" кўрсатуви
16:50 "Бизнес промо"
17:00 "Хазина" теле-шоу историкси
18:00 "Граф Монте Кристо" б/ф (2 қисм)
19:20 "Бизнес промо"
19:30 "Тунги студия" кўрсатуви
19:45 "ComedyUZ" теле-шоу
20:00 "Супер келинлик" теле-шоу
21:00 "Дийлар ширин" мусикий-лам ошми дастури
22:15 "Мағрулимани" б/ф
00:15 "Муенца ваки" дастури
00:30 Туғил кинозал: "Сокровища нияли" б/ф
02:00 Туғилки хайри бреси

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

Ҳавас қилса арзийди

Наврўзовлар хонадони. Оила бошлиғи Зоир ака кўринишидан оғир-вазмин бўлса-да, кундалик ишда ҳаракатчан, эгчил ва чаққон. Уйда эса фарзандларига талабчан, айни чоғда ғамхўр ва меҳрибон. Умр йўлдоши Маҳбуба опа билан тўрт фарзандни тарбиялаб, вояга етказган. Ҳаётини талабчанлик билан ўринли меҳрибонликнинг ўз самараси бўлар экан.

Кизлари — Зарифа билан Зариналарнинг ўзга хонадонларга келин бўлиб тушганларидан бери куда-андаларнинг тилидан бол томади. Ҳовли-жойлари кўша-кўша хоналарда саранжом-сарипталик, покзаллик ва орасталик ҳукмрон. Ён кўшнилари тугул, бир неча маҳалла нарида яшайдиганлар ҳам Наврўзовлар хонадонига алоҳида ҳавас билан қарайди.

Оилада яна икки ўғил вояга етмоқда. Хасан Бухоро кишлоқ хўжалик касб-хунари коллежиди, Хусан эса банк-иктисодиёт коллежиди таҳсил олади.

Ака-укалар-у опа-сингиллар, Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, "қошида садка айлашга" арзийдиган Зоир ака Наврўзов ҳамда хузурда "жисми садка қилишга" муносиб бўлган Маҳбуба Жумаевалардан меҳнатсеварлик ва ҳалолликни, камтарлик ва ахлоқ-одобни ўрганишган. Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир" деган пурмаъно сўзлари,

юртимиздаги юзлаб ва минглаб оилаларда бўлгани сингари, Наврўзовлар хонадонига ҳам ҳаётини ширга айланганлиги, ўзининг бутун мазмун-моҳияти билан кундалик маънавий эҳтиёж даражасига кўтарилганлиги рост. Ўзига хос устуворлик касб этган бу маънавий эҳтиёж кундалик меҳнат фаолиятида ҳам, ўғил-қизлар тарбиясида ҳам бутун бўй-басти билан намоён бўляпти. Зоир аканинг ҳам, Маҳбуба опанинг ҳам ўз кундалик юмушларидан ва уларнинг пировард натижаларидан кўнгиллари тўқ. Сабаби: уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўз соҳасида муайян иш тажрибаси, кўникмасига эга, тиним билмас инсонлардир. Айнан шу фазилатларни улар ўз фарзандларига, уларнинг юрш-туриши ва ахлоқ-одобига ҳам сингдиришган.

Таъкидлаш ўринлики, Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламасидаги телеграф цехи муҳим иш жабҳаларидан бири бўлиб, бу ерда Зоир Наврўзов соҳада кўп йиллик иш тажрибасига эга цех етакчи муҳандиси Маҳмуд Жалилов бошчилигида вилоят марказидаги бир қатор қорхона, ташкилот ва муассасалардаги алоқа воситаларининг бир маромда ишлаши таъминлайди.

Маҳбуба Жумаева ҳам пешқадам ҳамкасблари қатори ўз ишига виждонан ёндашиб келаётган ишчан аёллардан. У шаҳар телекоммуникациялар боғламаси диспетчерлик хизмати

Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир" деган пурмаъно сўзлари, юртимиздаги юзлаб ва минглаб оилаларда бўлгани сингари, Наврўзовлар хонадонига ҳам ҳаётини ширга айланган.

муҳандиси сифатида коммунал тўловлар бўйича дебитор ва кредитор қарздорликни қамайтириш юзасидан самарали иш олиб бормоқда. Боғламада айнан шу йўналишдаги ишларда ижобий натижаларга эришилаётганлиги бу меҳнатсевар аёлнинг ҳисаси салмоқлидир.

Зарифа ҳам болалигиданоқ алоқа соҳасига алоҳида меҳр билан қарарди. Ота-онаси сингари айнан шу соҳада ишлашни кўнглига тугиб қўйган эди. Яхши ният кишига йўлдош бўлса, у албатта, амалга ошар экан. Зарифа 2007 йилда Тошкент алоқа касб-хунари

коллежини битириб, Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламасига ишга келди. Ҳозирги пайтда у боғламанинг истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилиш гуруҳининг ишчан оператори сифатида фаолият кўрсатмоқда.

— Зарифа қизимнинг алоқа соҳасига алоҳида ихлос қўйиб ишлаётганидан манунман, — дейди Зоир Наврўзов. — Эл-юрт хизматида бўлиш, миждозлар ишончини қозониб ишлашда ҳикмат кўп. Мен ўз меҳнат фаолиятини оддий электромонтёрликдан бошлаганман. Мана, чорак асрдирки, электромеханик вазифасида ишлаб келяпман.

Ҳа, Зоир ака, Маҳбуба опа, қолаверса, Зарифа ҳам ўз танлаган соҳаларида ҳамюртлари орасида обрў-эътиборга сазовор бўлган бухороликлардан.

Зоир Наврўзов ҳамда Маҳбуба Жумаеваларни кўни-кўшнилари шу яқин атрофдаги энг бахтли бобоқон ва бувиқонлардан деб билишди. Байрам ва арафа кунларида ушбу хонадонга ташриф буюрадиган ўғил-қизлар, бир-биридан доно ва ўқтам куёвлар, куда-андаларнинг дилтортар сухбатлари ва ўзаро гурунглари орасида жажжи неваралар — Ширина, Достон ва Миршодбекларнинг кўнғирокдек овозлари, шўх-хандон кулгулари алоҳида ажралиб туради...

Асқар ИСТАМОВ,
"Хабар"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

Мамлакатимизда 2012 йил — Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинди. Жамият тараққиётида оила сектори муҳим ўрин тутди. Чунки оилада ана шу тараққиётни ҳаракатга келтирувчи инсонлар камол топади. Шу боис ҳам юртимизда оила фаровонлигига алоҳида эътибор қаратишмоқда.



Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.


Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси XIV боб, 65-модда.

Мустаҳкам оила — жамият таянчи

Биргина мисол, республикаимизда оилага касаначиликни, хусусан, оилани тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда, қанчадан-қанча оилалар мана шу имкониятдан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўйиб, тўқ ва фаровон яшамоқда.

Юртимизда кейинги ўн йилда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган, иш ҳақи ва ижтимоий кўмакка муҳтож қатлам даромадлари миқдори жадал ошириб келинмоқда, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ юкини енгиллатиш давлат сиёсатида етакчи ўрин тутди, пировардида одамларнинг турмуш даражаси яхшиланмоқда. Маълумки, 1991 йил энг кам иш ҳақиға Халқаро меҳнат ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотлари тавсиясига мувофиқ тарзда ҳисобланган рўзғор халтаси қийматининг атиги 8 фоизи миқдорда товар ва хизматлар харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2011 йилга келди, бу кўрсаткич рўзғор халтасининг 120 фоизини ташкил этди ёки ўтган вақт ичида 15 баробар ўсди.

Яқинда матбуотни қўздан кечираётиб "Gallup International" халқаро тадқиқот маркази томонидан ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари билан танишдим. Марказ бутун одамлар ҳаёт-



дан рози бўлиб яшаш қай даражада, улар ўзидан, шарт-шароит ва жамиятдан мамнунми мавзуда сўров ўтказган. Унда тараққий этган, ривожланаётган ва қолоқ ҳисобланган 58 мамлакатдан 45 миң киши иштирок этган. Тадқиқотга кўра, Ўзбекистон аҳолиси ҳаётдан мамнун бўлиб яшаш бўйича анча юқори

мавқеда экан. Мамлакатимиз бу борада 13-ўринда туриши эътироф этилган, яъни Ўзбекистонда бахтиёрлик индекси 62 фоизни ташкил қилади. Буни яқинда "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги маркази ўтказган сўров натижалари ҳам тасдиқлайди. Гап шундаки, мамлакатимиз халқи ўз оиласи турмуш даражасидан мамнун. Сўровда қатнашган ҳамюртларимизнинг тўқсон фоизидан ошиги ҳаётдан тўла мамнун эканини қайд этган.

Бу мамнунликнинг ҳуқуқий асослари ҳам бор. Юртимизда давлатимиз томонидан оилаларнинг муҳофазаси ҳам таъминланиб келинмоқда. Буни Конституциямизнинг XIV боби, 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" деб қатъий белгилаб қўйилганлиги ҳам аниқ-аниқ исботлайди.

Мамлакатимизда соғлом авлодни камол топтириш мақсадида турли дас-

турлар узлуксиз амалга оширилиб келиняпти. Бунда, айниқса, маданий-маърифий ва спорт тадбирларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Натижада йилдан-йилга спорт билан шуғулланадиган ўғил-қизларнинг сони ошмоқда. Мисол учун, мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизгача, жумладан, қиз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошгани бу борадаги ижобий ўзгаришлардан ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишхотлар оилаларнинг мустаҳкамлигига, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим рол ўйнамоқда.

Оилани асраш, фарзандини жамиятга фойдаси тегадиган, ҳар томонлама комил инсон қилиб тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг бурчидир. Фарзандининг то вояга етгунига қадар моддий таъминотидан тортиб, унга яхши одоб-ахлоқ беришдан ташқари, ота ва она касб-хунари егаллашида ҳам бош-қош бўлишга масъулдир.

Н.САЛИМОВА,
Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 1-Давлат нотариал идораси нотариуси

Қишнинг рутубатли, совуқ кунлари ўз ўрнини баҳорнинг ёқимли илиқлигига бўшатиб беришига ҳам оз фурсат қолди. Баҳорнинг илк байрами эса ишда илғор, оилада саранжом, гўзал ва нафосатли аёлларимизга бағишланади. Биз ҳам ана шу байрам — 8 Март — Халқаро хотин қизлар куни арафасида соҳамиздаги йирик алоқа корхоналаридан бири — "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиалида бўлиб, жамоада ҳурмат қозонган алоқачи аёллар ҳақида саҳифа тайёрладик.

Алоқачилар устози

Алоқа соҳасида узоқ йиллардан бери фаолият юритаётганлар Наталья Антонова номини яхши билишди ва ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишди. Умрининг 42 йилини соҳа ривожига бағишлаган бу заҳматқаш аёл кўплаб алоқачиларнинг устози ҳисобланади.

Хукуматимизнинг "Дўстлик" ордени, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Моҳир алоқачи" унвони соҳибаси Наталья Борисовна билан суҳбатлашганимизда, кўпроқ ҳамкасблари фаолияти ҳақида гурурланиб гапиришни хуш кўришига амин бўлдик. У бутун умр ўзи билан бир корхонада меҳнат қилаётган синфдоши ҳамда курсдоши — корхона ишлаб чиқариш лабораторияси муҳандиси Ноила Рашидова, "Пахта" радиореле линияси смена муҳандиси Дилором Полтаева ва бошқалар ҳақида меҳр билан гапирди. Ўзи ҳақида эса қисқакча қилиб шундай деди:

— 1947 йилда Перм шаҳрида туғилдим. Отам ҳарбий хизматчи бўлганлиги сабаб, 1954 йилда Тошкентга кўчиб келдик. Мактабни олтин медал билан тугаллаб, Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга кирдим. Институтни битиргач, уч йил пойтахтимиздаги радиореле станциясида муҳандис бўлиб ишладим. 1973 йилдан бери шу корхонадаман. Турмуш ўртоғим Александр Тимофеевич билан уйда ҳам ишда ҳам биргаман.

Наталья Борисовна қисқа фурсат ичида санаб ўтган бу йиллар ортида қанчалар катта заҳмат, тинимсиз меҳнат турганлиги аён. Ана шу меҳнат, ҳамкасбларга бўлган иззат-икром туфайли унинг ўзи ҳам эҳтиром шохсупасидан жой эгаллади.

Интиланганга толе ёр

Инсон дилига яхши ниятни тугиб, юкори чўққилар сари интилса, албатта, ўз орзусига эришади. Корхона ёш мутахассисларидан бири Мушарраф Алимжоновна ҳаёти бунга мисолдир.

Мушарраф ҳали ўқувчи пайтидаёқ алоқачилик касбига қизиқди. Шунинг учун ҳам мактабни битиргач, Тошкент алоқа касб-хунар коллежига ўқишга кирди. Коллеж дипломини олгач "ШАК" ("ТТТ") филиалига, етакчи ҳисобчилик вазифасига ишга жойлашди. Корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмитасининг яқиндан ёрдами сабаб, ишлаб туриб Тошкент ахборот технологиялари университетига ўқиди. Олий маълумотли мутахассис янада юкори чўққиларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Биз ҳам орзуларингга мушарраф бўлгин, деймиз.

Алоқачилар соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшиб, фидокорона меҳнат қилаётган аёлларимиз! Сизларни ва Сизлар орқали барча мунис ва маъуабарона сингилларимизни яқинлаштириб келаётган аждоғимиз байрам — Халқаро хотин қизлар куни билан табриқлаймиз. Ишларингизга ривож, оилангизга фаровонлик тилаймиз.

Оқилжон ҚУРБОНОВ,
"Ўзбектелеком" АҚ "Телекоммуникация
Транспорт Тармоғи" филиали бошлиғи,
Қаҳрамон САРИМСОҚОВ,
филиал касаба уюшмаси кўмитаси раиси



Бу аёллар доим олдинда

Барча учун сеvimли

Хаётда шундай аёллар борки, улар ҳам жамоада, ҳам оилада бирдек сеvimли бўлади. Филиал етакчи муҳандиси Татьяна Ососкова ана шундайлар тоифасидан. Унга ишонадагилар Татьяна Николаевна дея ҳурмат-эҳтиром билан мурожаат қилишганида, уйда невараси Виктория "Бувижоним келди" дея югуриб келиб бағрига отилганида у тақдирдан мамнун бўлади. Шундай аждоғимиз жамоада ишлаётганига, аҳил оила бекаси эканлигига шукр қилади.

Татьяна Тошкент шаҳрида, ишчи оиласида вояга етди. Ота-онаси "Ташселмаш" заводда оддий ишчи бўлиб ишласалар-да, Танянинг ўқишларини назорат қилиб боришар, тарбияли, одамхон бўлиб вояга етишини озу қилишарди. Шундай бўлди ҳам. Мактабни тугатганидан сўнг Татьяна Тошкент молия техникумида ўқиди. Битиргач эса дастлабки иш фаолиятини Ўзбекистон Молия вазирлигида бухгалтерликдан бошлади. Ва бу ерда 18 йил фидойилик билан меҳнат қилди.

— Сўнгра мени Республика махсус алоқа боғламасига ишга таклиф қилишди, — дейди Татьяна Ососкова. — 2003 йилдан бери "ТТТ" филиалида меҳнат қиляпман. Қизим Наталья ҳам алоқачилик соҳасини танлаганидан хурсандман.

Раённинг орзулари

Филиал лойиҳа-конструкторлик бўлими етакчи муҳандиси Раёно Исмоилова орзулар оламида яшайди. Табиатан тиришқоқ ва ҳаракатчан қиз ўзининг ана шу хислатлари сабаб орзуларига эришяпти ҳам.

— Оиламида ўн бир фарзанд вояга етдик, — дейди Раёно. — Улар ичида ягона алоқачи ўзимман. Алоқачи бўлиш орзуси мактабда ўқиб юрган пайтимда пайдо бўлган. Ҳаётни синчковлик билан кузатадиган ҳар бир инсон алоқачилик энг ўсиб, янгиланиб бораётган соҳа эканлигига эътибор беради. Менда ҳам шундай бўлди. Мактабнинг 9-синфини битириб, аввал Тошкент авиация техникумида, сўнгра ТАТУнинг телекоммуникация факултетига ўқидим. Етти йилдирки, дастлаб иш бошлаган ташкилотим — "ТТТ" филиалида меҳнат қиляпман.

Келгусидаги орзуларим эса соҳадаги янгиларни чуқурроқ ўзлаштириб, етук мутахассис бўлиш.

Раёно ўз мақсади йўлида ўқиб-изланмоқда, устози Мирвосил Одилов уқтирганидай, хориж тажрибасини ҳам ўрганмоқда. Бу ишда эса интернетнинг имкониятларидан фойдаланяпти.

Саҳифани Муборак ИДРИСХЎЖАЕВА тайёрлади
Муҳиддин СОЛИЕВ олган суратлар

Ирина — етакчи ҳисобчи

Ирина Домнышва мактабда ўқиб юрган пайтидаёқ ҳисоб-китобга оид фанлардан бериладиган сабоқларни жону дили билан тингларди. Тошкентдаги авиация техникуми аъло баҳоларга битиргач, уни йўланма билан Куйбишев (Самара) шаҳрига юборишди. Ирина у ердаги корхоналардан бирида иктисодчи бўлиб ишлади.

Уч йилдан сўнг яна она шаҳри — Тошкентга қайтиб келди ва "Сигнал" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига иктисодчи бўлиб ишга жойлашди. 1983 йилда эса Шаҳарлараро алоқа корхонаси ("ТТТ")га бухгалтер бўлиб ишга жойлашди ва мана, 19 йилдирки, бу ерда самарали меҳнат қиляпти.

— Жамоамизда ҳамма вақт ўзаро ҳурмат ва ишонч мужассам, — дейди Ирина Михайловна. — Шу ерда ишлаб туриб Тошкент ахборот технологиялари коллежиде ўқиб ҳам олдим.

Ҳамкасбларим менга яқиндан ёрдам беришди. Энди эса бутун имкониятимни ишга солган ҳолда астойдил меҳнат қиляпман. Шундай аждоғимиз жамоада меҳнат қиляётганимдан бахтиёрман.

Ҳа, ҳурмат кўрсатган ҳурмат кўради, дейишди доноларимиз. Ирина Домнышва ҳам шу сабаб жамоада ҳурматга сазовор.

Хунарли ёшлар кўпайсин

Бугун юртимизда ёш авлоднинг комил инсон бўлиб вояга етиши учун барча қулайликлар яратилаётганлиги замирида юксак эзгу мақсадлар муштарак.

Бувайда туманидаги компьютер технологиялари ва сервис касб-хунар коллежида ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун етарлича шарт-шароитлар яратилган. Ун мингдан зиёд умумий китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, интернет тармоғига уланган компьютерлар, замонавий лаборатория жиҳозлари ва синф хоналари, спорт зали, ошхона, мажлислар зали доимий фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда коллежда 1216 нафар йигит-қиз касб-хунар сирларини ўрганипти. Уларга таълим бераётган 68 нафар устознинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Ёш ўқитувчиларга кўп йиллик педагогик тажрибага эга устозлар мураббийлик қиляпти. Бу ёш мутахассисларнинг педагогик маҳорати ошишида, шу орқали дарс сифати кўтарилишида қўл келяпти.

Талабаларнинг бўш вақтини сермазмон ташкил этиш мақсадида фан,



спорт, компьютер саводхонлиги, бадий ҳаваскорлик каби 10дан зиёд тўғараклар мунтазам ишлаб турибди. Ёнг асосийси, улар ўзларига яратиб берилётган шарт-шароитлардан, имкониятлардан унумли фойдаланишади. Кейинги уч йил давомида коллеж талабаларининг спорт мусобақаларида, фан олимпиадаларида, кўрик-танловларда иштироки анча ўсди.

Яқинда коллежда Президент Ислон Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" асари-

ни ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан ўқитувчилар дунёдаги тинчлик ва осойишталикни сақлаш масаласи мамлакатимиз раҳбарининг фаолиятида доимо энг муҳим, энг устувор йўналиш бўлиб келяётганини алоҳида таъкидладилар.

Йиғилиш қатнашчилари асарни чуқур ўрганиш мустақиллигимиз тарихини янада мукамалроқ англашга хизмат қилажагини алоҳида таъкидлашди.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ

TALABALAR IJODIDAN

Аразларинг қўйсангчи, энди

Юрагимнинг асл эгаси,
Ул нозанин қайларда қолди.
Ошиқлигим айтишқу майли,
Ўйламоқдан юрагим толди.

Ул гул юзи, чарос кўзлари,
Ё қалбимдан олмоқдами қасд.
Нозларига етмайди бардош,
Диллим ишқнинг шаробидан маст.

Аразлари бунча ярашар,
Қулиб турган ойдин юзига.
Лаб рангидан лола уялар,
Мафтун қилиб қўйди сўзига.

Эй майлига, қани келсин-чи,
Сочларидан қўярман тортиб.
Севгисини жойлаб кетарман,
Муҳаббатнинг юкларин ортиб.

Хўш кейинчи, қўраман уни,
Севгимиздан бўлар мастона.
Унинг нозли қарашларига,
Мушток бўлди ахир остона.



Кечиргин сен

Кечиргин сен кўзларинг бирла,
Нигохларинг ўтли қарашин.
Кечирмайман демагин асло,
Табассумлар унга ярашин.

Олисдаги уфқ кўксиди,
Товлар ажиб нурлар сочади.
Қалбингдаги нозли қулгучинг,
Сирли мактуб қулфин очади.

Шамолларда сабрингни синаб,
Само бирла сочинг силайди.
Шаббодалар юзингга ботиб,
Доим шундай шодлик тилайди.

Фақат сендан илтижоси бор,
Кечирмайман демагил асло.
Инсонларнинг дилида доим,
Сабр-тоқат бўлажак танҳо.

Файрат ОТЧОПАРОВ,
ТАТУ Қарши филиали
талабаси

ОМБУДСМАН НИМА?

— Телевизор орқали берилаётган кўрсатувларда, газета мақолаларида республикамизда фаолият юритаётган Омбудсман институти йиғилишлари ҳақида сўз боради. Омбудсман нима ишлар билан шуғулланади? Шу ҳақида маълумот берсангиз.

Ортиқали НИШОНОВ
Бухоро вилояти

SO'RANG, JAVOB BERAMIZ

— Омбудсман фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузаётган давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқади ва бу борада текширув ўтказиш ҳуқуқига эга. Омбудсман арз қилувчига ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги маълум бўлган пайтдан ёки шикоят қилувчи, агар у ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланган ҳамда қабул қилган қарордан қаноатланмаган бўлса, ўз шикояти бўйича қабул қилинган охириги қарордан хабар тошган пайтдан эътиборан бир йил давомида берилган шикоятларни кўриб чиқади.

Дилшод УСМОНОВ,
ҳуқуқшунос

Энг яқин ҳамроҳим

Ҳаётимдаги энг қувончли кунлардан бири — соҳамизга оид "Xabar" газетасининг илк сони қўлимга теккан пайтдаги ҳаяжонли лаҳзаларни ҳеч қачон унутмайман. Қалбим қувончга тўлишининг ўзига хос сабаблари бор, албатта.

Алоқа соҳасидаги фаолиятим 1989 йилдан бошланган. Унча ҳам соҳага қизиқишим катта бўлганлиги туфайли, матбуот саҳифаларида алоқага оид материаллар чиқиб қолса, қизиқиб ўқирдим. Лекин, афсуски, бундай мақолалар жуда кам чоп этиларди. Уларда ҳам соҳага оид ютуқ ва камчиликлар юзаки ёритиларди. Ваҳоланки, ишнинг янги бошлаган мен каби мутахассислар учун соҳани иқир-чикир томонларига таҳлил этиладиган мақола, ходимлар иш фаолиятинан сўзловчи лавҳа ва очерклар жуда зарур эди. Ана шундай газетига эҳтиёж сезилган бир пайтда, яъни 1992 йилнинг 21 мартда "Xabar" қўлимизга келиб тегди ва мана, 20 йилдирки, бу газета бошқа барча алоқачилар катори, менинг ҳам энг севимли газетам сифатида яқин ҳамроҳимга айланган.

Тўғриси айтсам, "Xabar"нинг ҳар бир сонини ҳозир ҳам, ўша биринчи марта қўлимга олганимдаги каби хурсандчилик, ташналик билан ўқиб чиқаман. Ва комил ишонч билан айта ола-

DIL IZHORI

манки, алоқа ва ахборотлаштириш тизимида олиб борилаётган барча ўзгаришлар, соҳани ислох қилиш натижасида қўлга киритилаётган ютуқлар, жойлардаги муаммо ва камчиликлар газетамда ўз аксини топаётир. Қисқача ифода этадиган бўлсам, газета соҳада олиб борилаётган барча ишларни тарих зарварақларига муҳрляпти.

Албатта, газетанинг биринчи сони билан ҳозирги қиёфаси орасида осмон билан ерча фарқ бор. Агар "Xabar"нинг илк сони 8 саҳифадан иборат бўлган бўлса, бугунги кунга келиб 16 саҳифали, биринчи ва охириги саҳифалари рангли чоп этилаётган нашр барчани мамнун этмоқда. Демокриманки, ўтган йилгирма йил мобайнида газета ҳам такомиллашиб борди.

Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Хайъат йиғилишида қайси масалалар муҳокама этилгани-ю, ечимини

кутаётган қандай муаммолар турганлиги, жойларда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, чет эл компаниялари билан алоқалар, жаҳон почтаси янгиликлари, интернетни ривожлантириш борасидаги янги технологиялар — буларнинг барчаси ҳақидаги маълумотлар алоқачилар учун жуда зарур ва бу эҳтиёжни "Xabar" газетаси тўлиқ қондириб келяпти.

Мен газета тахририяти ижодий ходимларига олиб бораётган эзгу ишларида муваффақиятлар тилаган холда газетанинг янада ўқишли, янада қизиқarli чикиши учун тагин-да кўпроқ ўқиб-изланишларини, вилоятларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини ҳам янада кўпроқ ёритишларини истар эдим.

Хусниддин БОТИРОВ,
Оққўрғон почта алоқаси
тармоғи бошлиғи



**"РЕСПУБЛИКА
МАХСУС АЛОҚА
БОҒЛАМАСИ" ДУК**

махсус алоқа хизматларидан фойдаланувчилар диққатига!
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг нархларни тартибга солиш органи томонидан декларация қилинган грифли пакет, посилка ва упаковкаларни етказиб бериш учун махсус алоқа хизматларига янги тарифлар 2012 йил 1 мартдан жорий этилади.

Табриклимаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалининг Оҳангарон почта алоқаси тармоғи жамоаси етакчи муҳандис Зулайхо ХАЙИТҚУЛОВАни тавалуд айёми билан самимий муборакбод этади. Унга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, соҳа равиқи йўлида олиб бораётган самарали ва фидокорона фаолиятида улкан зафарлар тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Учкўприк почта алоқаси тармоғи ходими Абдусалом МИРЗАЕВни 55 ёши, Олтиариқ почта алоқаси тармоғи ходими Рўзматали ОРИПОВни 50-баҳори билан чин юракдан табриклиди. Уларга соғ-саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришликни тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Қўқон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходими Зухраҳон НОСИРОВАни 50 ёшини қарши олаётгани билан самимий табриклиди. Унга танисхатлик, узоқ умр, фарзандлари роҳатини кўришликни тилайди.

Китоб телекоммуникациялар боғламаси жамоаси ҳамда цех касабаси уюшмаси кўмитаси боғламанинг қишлоқ телефон тармоғи электромонте́ри Усмон ДИЕРОВни муборак 55 ёшини қарши олиши муносабати билан табриқлаб, сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, узоқ умр тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси Муборак почта алоқаси тармоғи бош ҳисобчиси Нусур САМАДОВни 50 ёшини қарши олиши муносабати билан табриқлаб, келгуси ишларида ривож, мустаҳкам соғлиқ тилаб қолади.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабаси уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал директори ўринбосари Исоқ ИСМОИЛОВни 50 ёши билан самимий табриклиди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик ва ишларига муваффақиятлар тилайди.

ХАЛҚАРО ХИЗМАТЛАР УЧУН ТАРИФЛАР

Жўнатмалар ва хизматлар тури

ПОСИЛКА ЖЎНАТИШ

МДХ давлатлари	Ўзбекистон		Арманистон		Беларус	
	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
Оғирлик ўлчовлари, кг.						
1 килограммгача	11600	11900	11900	12600	7800	14900
15 дан 20 килограммгача	85900	87800	88300	93200	57500	110500
	Грузия		Қозғоғистон		Қирғизистон	
Оғирлик ўлчовлари, кг.	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	13800	15400	7200	8700	8500	8800
15 дан 20 килограммгача	102600	113100	53300	64000	63800	65100
	Молдова		Россия		Тожикистон	
Оғирлик ўлчовлари, кг.	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	11900	13400	16900	21000	8400	8900
15 дан 20 килограммгача	88200	99100	125400	153800	61700	66700
	Туркменистон		Украина			
Оғирлик ўлчовлари, кг.	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти		
1 килограммгача	8800	10100	11400	13300		
15 дан 20 килограммгача	65900	75500	84800	97200		

Узоқ хориж	ЕВРОПА					
	Дания		Исландия		Германия	
Оғирлик ўлчовлари, кг.	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	10100	12200	11200	14200	13500	15700
15 дан 20 килограммгача	75500	90300	83900	105700	100700	114900
	Испания		Италия		Швейцария	
Оғирлик ўлчовлари, кг.	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	11100	13200	9900	11400	10500	12500
15 дан 20 килограммгача	82100	97700	73200	83700	77200	93300
	ОСИЁ					
	Исроил		Покистон		Ироқ	
Оғирлик ўлчовлари, кг.	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	10800	11400	8500	10800	14600	16300
15 дан 20 килограммгача	80200	83700	63800	79500	108400	120200
	Япония		БАА		Эрон	
Оғирлик ўлчовлари, кг.	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	11500	14000	8200	9900	11000	14300
15 дан 20 килограммгача	84800	104300	60300	72900	82300	105700
	АФРИКА					
	ЖАР		Нигерия		Тунис	
Оғирлик ўлчовлари, кг.	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	10900	16100	10800	15300	8200	9300
15 дан 20 килограммгача	80800	118700	79500	112600	60800	69500
	АМЕРИКА					
	АҚШ		Куба		Бразилия	
Оғирлик ўлчовлари, кг.	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	8500	13600	10300	17000	9500	17400
15 дан 20 килограммгача	63800	100900	75900	125000	70700	128500
	АВСТРАЛИЯ					
	Австралия		Янги Зеландия		Гуам	
Оғирлик ўлчовлари, кг.	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти	ер усти транспорти	ҳаво транспорти
1 килограммгача	9200	15200	12400	19700	8200	13000
15 дан 20 килограммгача	68900	111800	91300	144400	60000	96300

ДИҚҚАТ: Почта алоқа бўлимлари посилка қутилари билан таъминланган. Посилка қутилари стандарт бўлиб, халқаро талабларга жавоб беради. Почта алоқаси тарифлари ва хизматларининг тўлиқ рўйхати барча алоқа бўлимларида ва почта алоқаси корхоналарида мавжуд. Қўшимча хизмат учун тарифлар эса жойлардаги алоқа корхоналари томонидан ўрнатилади.

Футбол

Ўзбек футболнинг
100 йиллик юбилейи логотипи

Ўзбекистон футбол федерацияси ўзбек футболнинг 100 йиллик юбилейига бағишланган миллий логотипини тасдиқлади.

Айни пайтда "Soccer Pro" корхонаси миллий логотип тасвири туширилган махсус сувенир ва босма махсулотлар, байроқ ва байроқчалар ҳамда бошқа эсдалик совғаларни тайёрлашни режалаштирмоқда.

Ўзбек футболнинг 100 йиллиги логотипини янада оммалаштириш мақсадида футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати ва Кубоги, Биринчи лига ва Ёшлар лигаси мусобақаларида, шунингдек, бошқа тегишли турнирларда ўйнайдиган футболчи, мураббий ва расмий шахсларга логотип тасвири туширилган либосда майдонга тушиш мажбурияти юкланади.



Йўлланма тақдири
охирги турда ҳал бўлади

2012 йилги Лондон Олимпиадаси йўлланмаси учун асосий давоғар бўлган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ва ушбу мусобақага бориш имконияти қолмаган Ироқ олимпия терма жамоаси ўртасидаги бахс 2:1 ҳисобида майдон эгалари галабаси билан якунига етди.



ИРОҚ — ЎЗБЕКИСТОН — 2:1

Голлар: Мухаммад Саъд Абдуллох (45+2), Мустафо Аҳмад (88) — Фозил Мусаев (24).

Ушбу мағлубиятдан сўнг "В" гуруҳида Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 8 очко билан қолди. БАА термаси эса Австралия олимпия терма жамоасини мағлуб этиб, 11 очко билан биринчи поғонага кўтарилиб олди.

Шундай қилиб, тўғридан-тўғри қўлга киритилган йўлланма тақдири охириги турда ҳал этилади. Жамоалар гуруҳ босқичидаги сўнги тур учрашувларини 14 март куни ўтказишади. Шу куни Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Тошкентда БАА олимпия термасини қабул қилади. Хар қандай ҳисобдаги галаба Абрамов шогирдларига Лондон йўлланмасини тақдим этади.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомининг 49-бандига асосан:

"LUKOIL Uzbekistan Operating Company" маъсулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ:

- маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятига берилган (қайта расмийлаштирилган) АА серияли 0003666 рақамли;

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятига берилган (қайта расмийлаштирилган) АА серияли 0003667 рақамли лицензиялари;

"Охангаронцемент" очик акциядорлик жамиятнинг (Тошкент вилояти) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002504 рақамли;


"ARIS TELEKOM" маъсулияти чекланган жамиятнинг (Бухоро вилояти) аризасига мувофиқ қўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002749 рақамли;

"DIV" маъсулияти чекланган жамиятнинг (Бухоро ш.) аризасига мувофиқ шахарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003391 рақамли лицензияларининг амал қилиши 2012 йил 16 февралдан тугатилди.

Эркин кураш

Ҳамюртимиз —
халқаро турнир совриндори

Украинада ўтган эркин кураш бўйича Киев халқаро турнирида ўндан зиёд мамлакатдан икки юз нафарга яқин спортчи совринли ўринлар учун курашди. Ҳамюртимиз Сослан Тигиев мусобақада бронза медални қўлга киритди.



Осиё чемпионатининг тўрт медали

Жанубий Кореянинг Гуми шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида китъамизнинг йигирмадан зиёд мамлакатидан 250 нафарга

яқин спортчи ғолиблик учун куч синашди. Мусобақада юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси икки қумуш ва икки бронза медални қўлга киритди.

От спорти



Ёш чавандозлар
мусобақаси

Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Жокей" от спорти клубида 10-14 ёшли болалар ўртасида от спорти мусобақалари бўлиб ўтди.

Тўсиқлардан сакраб ўтиш баҳсларида Андижон, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридан йигирмадан ортиқ ёш чавандоз иштирок этди. Мусобақада Исмоилжон Раҳмонов биринчи ўринни қўлга киритди. Қолган ўринлар Абдусовит Мирзиёев ва Собиржон Аҳмедовга насиб этди.

Тоғ чанғиси

Ғолиблар аниқланди

Тошкент вилоятида тоғ чанғиси бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида эркаклар ўртасидаги "СЛАЛОМ гигант" мусобақаларида мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси Дмитрий Бабинов олтин медални қўлга киритди. Қумуш медал Сафар Эгамбердиевга насиб этган бўлса, Сайфиддин Мусаев кучли учликдан жой олди.

Байдарка ва каноэ

Ўзбекистон
очиқ чемпионати

2012 йилнинг 2-4 март кунлари Тошкент денгизида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича мамлакат кишики очиқ чемпионати бахслари ўтказилди.

Мазкур мусобақа етакчи спортчиларимиз учун бўлажак халқаро мусобақалар олдида ўзига хос тайёргарлик босқичи вазифасини ўтаб беради.

Олимпиада



Мезбонликка
бешта шаҳар давоғар

2020 йилги ёзги Олимпиада ўйинларига мезбонлик қилиш учун Токио (Япония), Боку (Озарбайжон), Доха (Қатар), Истамбул (Туркия) ва Мадрид (Испания) шаҳарлари курашнинг давом эттирилган бўлдилар.

"Олимпиада-2020" ўйинларига мезбонлик қиладиган шаҳар номи 2013 йилнинг 7 сентябр куни Буэнос-Айресда (Аргентина) ўтказилган Халқаро Олимпия Қўмитасининг 125-сессиясида эълон қилинади.



Ўтганларнинг охириги обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази" филиали илмий ишлар ва АКТни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси, соҳа таълим муассасаларида узок йиллар ишлаган

Эргаш АЛЛАЕВИНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

"Ўзбектелеком" АК жамоаси компаниянинг "Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази" филиали илмий ишлар ва АКТни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси

Эргаш АЛЛАЕВИНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎзААнинг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси, "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали, вилоят алоқа хадимлари бирлашган касба уюшмаси қўмитаси жамоалари "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази" филиали илмий ишлар ва АКТни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси

Эргаш АЛЛАЕВИНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Жамшидбек Ботиржонов номига 2010 йил сентябр ойда берилган 11003-сонли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

Ташаббусни қўллайман

2012 йилнинг 13 январ санасида "Xabar" газетасида чоп этилган алоқачилар орасида ош фестивали ўтказиш ташаббусига бағишланган мақола ни ўқиб, миллий кадрларимиз, дастурхонимиз кўрки — ошга эътибордан, алоқачилар ҳам унга бефарқ эмаслигини жуда хурсанд бўлдим.

Мен 1957 йилда Бухоро туманида туғилганман. 1974 йилда ўрта мактабни, 1979 йилда эса Тошкент электротехника алоқа институтининг автоматик электр алоқа факултетини битирдим. Дастлаб иш фаолиятини Бухоро вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқариш лабораторияси катта муҳандислиги вазифасидан бошладим. Бухоро ТБда бош муҳандис, Бухоро шахри ТБда бош муҳандис, кейинчалик бошлик, 2004 йилдан буён эса Когон телекоммуникациялар боғламаси бошлиги вазифасида ишлаб келишман.

Бировлар расм чизиб, бировлар қўшиқ айтиб хордиқ чиқарса, менинг хоббим — таом тайёрлаш. Мен учун овқат тайёрлаш муаммо эмас, масаллик бўлса бас. Ош дамлашни талабалик давримдан бошлаганман. 1978 йилнинг кузида, 4-боскичда ўқиб юрганимизда, Жиззах вилояти Дўстлик туманида пахта терганмиз.

MUNOSABAT



Ўшанда 220 нафар талабалар ва ўқитувчилар бир қозондан овқатланар эдик. Хафта оша 40 кг. гуручдан ош дамлардим ва мен дамлаган ошдан асар ҳам қолмасди.

Кейинчалик уйда, ишда, ёр-дўстлар, қариндошлар орасида, байрам маросимларида ош дамлайдиган бўлдим. Айримлар Бухорода чойхонада ўтиришмайди, ош дамлашмайди, дейишди. Бу гапга унчалик қўшилмайман. Водийлик ошналарим билан доимий борди-келдиларимиз борлиги учунми, кейинги 10-15 йил ичида гоҳ Бухорода, гоҳ водийда ош дамлаймиз.

Албатта, ҳар жойнинг ўз хавоси, суви, маҳсулоти сабаб ошнинг мазали чиқиши билан фарқ қилади, деб ўйлайман. Бухорода "Софи Ош", "Қобили Ош" дамлашади. Кейинги пайтларда Бухорода ҳам тўй-маъракаларда, байрамларда девзира гуручидан водийча ош дамланапти. Бухоро шахри ва туманлари кафе-ресторанларида "Андижонча ош" деган рекламаларни учратиш мумкин. Айтишларича, "Оши Софи" фақатгина Бухорои Шариф ва Мозори Шариф (Афғонистон)да дамланар экан. Бу ошнинг фарқи — барча масалликлар фақат буёда пишади. Халқ орасида пархез таом ҳам дейилади. Шунинг учун биз бухороликлар ўзимизнинг софи ошимиз билан мағрурланиб юрамиз.

Алоқа ходимлари орасида ош фестивалини ўтказиш таклифини қўллаб-қувватлайман. Таклифларим: дастлаб ўзимизнинг боғламада, кейинчалик вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмасига мурожаат қилиб, вилоятда мусобақа уюштирилса. Фестивалда катнашиб, ютиб чиқиш ниятим бор.

Музаффар ЖУМАЕВ,
Когон телекоммуникациялар боғламаси бошлиги

ҲАЁТНИНГ ЁЗИЛМАГАН ҚОИДАЛАРИ

Дўсти кўп одам бўшашган бўлади, чунки дўстлари кўп — қачон йиқилса тиркаб турғазиб қўйишади. Дўсти умуман йўқ одам кучли бўлади — чунки ўзи учун ўзи курашади. Ўз устида ишлаб, яхши сўзлайди, маданиятли бўлишга ҳаракат қилади. Янгилик яратишга интилади, керакли бўлиши учун кечаю кундуз ҳаракат қилади. Балки... дўстдан душмanning кўп бўлгани яхшидир.

Асал-пал ўзгарганини сезишса, ўзларига қараб, пардоз-андозни жойига қўйиб, соч турмакларини ўзгартириб, спорт билан шуғулланиб, тетиклашиб, ёшариб, ҳар хил таомлар пишириб, уйни озода-сарипта қилиб, болаларга аҳамият бериб, бошқача қилиб айтганда, юз фоз ўзгаришади. Ха, шуни олдинроқ қилганимизда эди...

Муяссар ИБРОҲИМОВА,
"Ўзбектелеком" АК
Наманган филиали диспетчери

MASLAHAT

ШОКОЛАД ҚАРИШГА ҚАРШИ

Буюк Британия дерматолог олимлари ҳар куни кам-камдан қора шоколад истеъмол қилиш ажин тушишдан асрашини аниқлашди.



Тадқиқотлар натижасига кўра, шоколад тери саратонининг олдини олиш хусусиятига ҳам эга экан. Бу фақат таркибида флаванол (какао-дуккакли ўсимликлар таркибида бўлади) кўп бўлган шоколад турларига тааллуқли.

АНГИНАГА «ТЕЗ ЁРДАМ»


Зирани туйиб, 1 стакан сув қўшиб, 15 дақиқа давомида қайнатасиз ва докадан ўтказиб оласиз. Қайнатмага 1/4 стакан сув қўшиб, паст оловда қайнатасиз ва оловдан олиб, 1 ош қошиқ коньяк қўшасиз. Ушбу малҳамни 1 ош қошиқдан ҳар ярим соатда ичиб туриш лозим.

Биласизми?

Иби Сино кўзда жарроҳлик амалиётини ўтказган биринчи ҳакимдир.

Россиянинг Чита вилоятидаги тоғда Хива чўққиси бор. Японияда ҳам Хива номли шахарча мавжуд. Санто-Доминго давлатига қарашли Марказ оролларида Хива номи билан аталувчи кичик оролча бор. Марказий Африкадаги Зимбабве ва Конго давлатларида хива қабилалари яшайди.

КРОССВОРД



Тузувчи: Собит ТЕМИРОВ

- Калит.
- Говаксимон модда; қурилиш ашёси.
- Ўзбек шоири ва ҳукмдори.
- Радиолокатор.
- Қисқа вақт.
- Қон сўрувчи жонивор.
- Табиат ҳодисаси.
- Улкан, йирик.
- Спорт анжومي.
- Оқиш, оққа мойиллик.
- Сербарг, майда оқ тўпуғулли ёввойи ўт.
- Бахт, омад.
- Бурж.
- Ғалла-дон.
- "...ли уй" — сериал.
- Тезкор.

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОҶОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шохқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p>	
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарибмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Набатчи: Собит АҲАДОВ.</p>	
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтаини жума куни чиқади</p>	<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Мавзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-252 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳақми 4 босма табоқ. Адади: 18314 нусха.</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.</p>
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>	<p>Андижонда 226-47-80</p> <p>Бухорода 223-27-85</p> <p>Гулistonда 40-12-19</p> <p>Жиззахда 226-06-34</p> <p>Навоийда 225-91-10</p> <p>Наманганда 232-97-86</p> <p>Нукусда 554-35-45</p> <p>Самарқандда 233-61-81</p> <p>Термизда 224-06-12</p> <p>Тошкентда 288-40-66</p> <p>Урганчда 226-37-16</p> <p>Фарғонада 224-91-56</p> <p>Қаршида 314-08-99</p>	<p>1 3 4 5</p>		